

Жаннатдаги неъматлар турлича бўлишини биласизми?

05:00 / 01.03.2017 3757

Жаннатдаги неъматлар турлича бўлишини биласизми?

Қиёмат кундаги ҳисобнинг турлари: Қабрдан чиқиб жаннатга тез кирадиганлар, маҳшар майдонида юз йиллаб кутадиганлар, ҳисобсиз жаннатга кирадиганлар, сўроқ-саволдан кейин жавобини узоқ кутиб, сўнгра жаннатга кирадиганлар, эллик минг йилдан кейин ёки ҳадисга мувофиқ бир неча соатда кирадиганлар бўлади. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар: “Қиёмат куни мўминлар учун пешин ва аср вақти оралиғи кабидир”.

Жаннатдаги даражалар ҳам турлича бўлади. Жаннатда нечта даража бўлишини биласизми? Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дейдилар: “Жаннатда юзта даража бор. Уларнинг ораси минг йиллик йўлдир”.

Жаннатдаги даражаларнинг турлича бўлишига сабаб нима? Ёмон амаллар бир хил бўлмагани каби яхши амаллар ҳам бир хил бўлмайди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам айтганлар: “Аллоҳдан сўрасангиз, Фирдавс жаннатини сўранглар”.

Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам биздаги интилиш энг юқори даражада бўлишини хоҳладилар. Бундай даража учун кимлар ўзини фидо қилар экан, деган савол туғилади? Жаннатга Аллоҳнинг раҳмати билан киришлик ҳаммага маълум. Мўминнинг қалбидаги ёки зоҳирда амалга оширган амалига оладиган мукофотига кўра жаннатдаги даражаси турлича бўлади. Яхшиликларнинг ҳам даражаси бўлади, баъзиси-баъзисидан устун туради. Шу каби ёмонликлар ҳам бири бошқасидан каттароқ бўлади. Яхшилар тақводорлар ва ўзиб кетувчиларга бўлингани каби ёмонлик аҳли ҳам фожир ва ёлғончиларга бўлинади. Уларни ҳар бирининг Аллоҳ ҳузурда ўз даражаси бор.

Жаннат аҳлининг қилган амалига кўра даражасида фарқ бўлгани каби жаннатда Аллоҳнинг юзини кўриш неъматини ҳам турлича бўлади.

Аллоҳнинг юзига қараш неъматини икки турлидир: мунтазам қараш ва ҳузурли қараш. Мунтазам қараш: **“Ўз Роббисига назар солувчилар”** (Қиёмат сураси, 23-оят).

Абдурроҳман Саъдий ушбу оят тафсирида айтадилар: “Мўминлар жаннатдаги мартабаларига кўра Аллоҳга назар соладилар. Аллоҳнинг ўхшаши йўқ бўлган гўзал юзига эрталаб ва кечқурун ҳар куни қараб ёки жума куни бир марта қараб роҳатландилар”. Ҳузурли қараш ҳақида Ибн Қайюм роҳимаҳуллоҳ айтади: “Ҳузурли назар бу дунёда уни таниб, унга кучли муҳаббатли бўлган мўминга эргашади. Ҳабиб маҳбубига етишгач, муҳаббати яна ҳам кучаяди. Унга яқинлашиб, унга қараб роҳатланади”.

ҲУМАЙРО